

БАРЧА ТАЛАБАЛАР ВА ТАДҚИҚОТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

Республика миқёсида ОТМ талабалари ва тадқиқотчилари ўртасида
“Учинчи ренессанс – ёшлар нигоҳида” номли танлов эълон қилинди.

Танлов мақола, видеоролик, лойиҳа шаклида (тақдимоти билан биргаликда) қуйидаги йўналишларда ўтказилади:

- Аждодлар меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда инновацион ёндашув;
- Олий таълимда сифатли билим олишдан талабаларнинг манфаатдорлигини ошириш учун ўқув жараёни ва методикасини ўзгартириш йўллари;
- Ёшларни илм-фан ва инновацияларга қизиқтиришнинг ноанъанавий усуллари.

Танлов тўрт босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқич - факультет босқичи;

Иккинчи босқич - олий таълим муассасаси босқичи ;

Учинчи босқич – ҳудудий босқич (10 та ҳудуд);

Тўртинчи босқич – республика якуний босқичи.

Ғолибларни рағбатлантириш:

Иккинчи босқич ғолиби – базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари миқдоридаги пул маблағи;

Тўртинчи босқич – тақлиф этан лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ташкилий қўмита томонидан 50 миллион сўм грант пуллари, танлов дипломи ва фахрий ёрлик билан тақдирланади;

Танлов йилига икки маротаба, январ-март ва сентябр-ноябрь ойлари давомида ўтказилади:

Биринчи босқич-20 январга ва 20 сентябрга қадар;

Иккинчи босқич-20 февраль ва 20 октябрга қадар;

Учинчи босқич-5 мартга ва 5 ноябрга қадар;

Тўртинчи босқич-20 мартга ва 20 ноябрга қадар ўтказилади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабалар ва тадқиқотчилар 2021 йил 15 январга қадар филиал Иқтидорли талабалар бўлимига ўз лойиҳаларини топширишлари шарт.